

**МАМЛАКАТИМИЗДА МАҲКУМЛАРГА ТЕГИШЛИ ҲУҚУҚ ВА
ЭРКИНЛИКЛАРНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ ДАВР ТАЛАБИ**

Дусанов Эшқобил Эрназарович,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Давлат ва ҳуқуқ институти мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада жамиятимизда ҳозирда мавжуд бўлган долзарб масалалардан бири бўлган маҳкумлар, уларнинг ижтимоий аҳволи, ҳуқуқий мақоми, ушбу тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ масалаларга мурожаат этилиб, улар билан боғлиқ айрим бахсталаб масалаларга эътибор берилади. Ушбу соҳага тааллуқли қонунчилик ва халқаро стандартларнинг ўзаро муносиблиги масалаларини таҳлил этади.

Калит сўзлар. Конституция, Жазони ижро этиш кодекси, ислохотлар, имплементация, андозалар (стандартлар), жиноят ва жазо, либераллаштириш, юридик амалиёт, жиноий жазони ижро этиш тизими, принциплар, манзил колониялар.

Ўзбекистон жадал қадамлар билан янги жамият, янги давлат, янги бошқарув, янги қонунчиликни яратиш ишларини амалга оширмоқда. Ушбу фффикрлар тўлалигича жазони ижро этиш тиўимига ҳам таллуқлидир.

Мамлакатимизда 2017 йилдан буён амалга оширилган туб ислохотлар, хусусан суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар, жиноий жазо тизимини либераллаштиришнинг асосий ташаббускори ва раҳнамоси Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёевдир¹.

Маҳкумлар масаласига келадиган бўлсак, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар, суд-ҳуқуқ соҳасидаги либераллаштириш сиёсати шароитидаги тутган ўрни ва ҳуқуқий мақоми доимо жамиятимизнинг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. Тошкент, Адолат, 2015., ва бошқалар.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сонли қарори.

диққат марказида бўлиб келмоқда. Жиноий жазони ижро этиш тизими, у ерда сақланаётган маҳкумлар масаласи давлатимиз ва жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан четда туриши мумкин эмаслигини ҳамма билади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги мувофиқ, суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига асосан жазо чорасини ўтаётган шахслар маҳкумлар деб ҳисобланади ва улар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят – ижроия кодекси ва бошқа қонунларида белгиланган айрим истисно ҳамда чеклашларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган барча ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўладилар.

Бундай талаб БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1990 йил 14 декабрда қабул қилинган «Маҳкумлар билан муомала қилишнинг асосий принциплари»да ҳам назарда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда (айниқса, 2016 йилдан кейин) мамлакатимизда шакллантирилаётган янги сиёсий ва ҳуқуқий муҳит шароитида маҳкумлар ҳуқуқларини таъминлаш, уларни кенгайтириш, ушбу ҳуқуқ ҳамда эркинликларни ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилмоқда.

Ушбу фикр ва мулоҳазалар маҳкумларга ҳам тегишли бўлиб, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тизимини мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилигида ҳам мунтазам мустаҳкамланиб бораётганлигида ҳам кўриш мумкин 2.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида Европа, Америка ва Осиё мамлакатларининг тажрибаси ўрганилиши асосида ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритилиши тўлиқ таъминланиб, барча маҳкумларга иложи борича кўпроқ, вояга етмаган маҳкумларга эса ота-онаси ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувлар чекланмаган миқдорда берилиши, маҳкума аёлларга вояга етмаган болалари билан бир йил

ичида тўрт марта, муддати беш суткагача бўлган узоқ муддатли учрашув, манзил-колонияда сақланаётганларга эса, ишдан бўш вақтда муассаса худудидан ташқарида яшаш имконияти билан узоқ муддатли учрашувлар чекланмаган миқдорда берилиши, маҳкума аёлларнинг вояга етмаган болалари билан учрашувлари белгиланган учрашувларга қўшиб ҳисобланмаслиги белгиланди.

Шунингдек, маҳкум ўз шахсий хавфсизлигини таъминлашни сўраб муассаса ёки органнинг ҳар қандай ходимига ариза (хабар) билан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилди. Ёпиқ турдаги колонияларда сақланаётган маҳкумларнинг телефон сўзлашуви йўқлов ва учрашувлар олиш сони бир неча баробарга кўпайтирилганлиги ҳам эътиборга лойиқ.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар (маҳкумлар) га сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи берилди ва манзил-колонияларда жазони ўтаётган маҳкумларга пенсия тўлаш тартиби белгиланди. Хабарингиз борки, яқинда бўлиб ўтган Президент сайловида (2021 йилнинг 24 октябри) бир неча минг шундай маҳкумлар сайловларда иштирок этди.

Шу билан бирга, бугунги кунда озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳкумлар қонунчиликда белгиланган айрим чекловларни инобатга олган ҳолда, Конституция ва бошқа қонунларга назарда тутилган ҳуқуқлардан, шу жумладан ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқлардан тўлалигича фойдаланиш имкониятига эга эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликда маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш тизимида мавжуд бўлган вазият борасида айрим номуносиблик ҳамда тушунмовчиликлар мавжудлиги борасида айрим мубосоҳавий (дискуссиявий) ҳолатлар мавжудлиги ҳам сир эмас. Масалан, буни халқаро ва миллий қонунчиликнинг ўзаро муносиблиги, маҳкумларга тегишли ҳуқуқ ва эркинликларни тўлиқ таъминланиши, маҳкумларнинг

ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқлардан фойдаланишлари механизмларини таъминлаш масалаларида кузатиш мумкин.

Салбий томони шуки, юриспруденциянинг тегишли соҳаларида (масалан, давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ва ҳуқуқ тарихи, жиноят ҳуқуқи, жиноят- процессуал ҳуқуқ, жиноят-ижроия ҳққуқи, инсон ҳуқуқлари ва бошқалар) ушбу муаммовий вазиятларни илмий тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишлар сони ва сифати талаб даражасида эмас. Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, охириги йилларда маҳкумларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш борасидаги масалаларга бағишланган илмий изланишлар деярли олиб борилмаяпти ёки мавжуд эмас.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, эътиборингизни бир қанча муаммовий вазиятларга қаратмоқчимиз:

Биринчидан, жазони ижро этиш билан боғлиқ қонунчилигимизни зудлик билан халқаро стандартларга мослаштириш лозим.

Иккинчидан, жазони ижро этиш муассасаларида ўрнатилган режим талаблари фақат маҳкумлардан эмас, балки муассасада фаолият кўрсатаётган барча ходимлар, ишчи ва хизматчилардан ҳам жиноят-ижроия қонунчилигига ва ўрнатилган ички тартиб-қоидаларга риоя этишни талаб қилиш орқали турли қонунчилик ва хизмат интизоми бузилишининг олдини олиш функциясини бажаради.

Лекин, маҳкумлар сақланаётган муассасалардаги ишлаётган ходимларнинг ушбу режимга тўлиқ амал қилмаётгани (маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалаларида) борасида айрим муаммолар мавжуд.

Учунчидан, колонияларда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар тегишли тартибда меҳнатга жалб қилинади ва уларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунчилик билан, ЖИКда назарда тутилган истисно ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда, тартибга солинади. Яъни, меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгилаб кўйилган қоидалар маҳкумлар учун ҳам амал қилади.

Шу сабабли, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг иш ҳақидан давлат ижтимоий суғуртасига ажратмалар ўтказишга бўлган чекловни бекор қилиш, шунингдек ушбу жазони ўташ давомида меҳнатга жалб қилинган маҳкумларнинг ишлаган вақтини иш стажига қўшиб ҳисоблаш орқали давлат пенсия таъминоти кафолатини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Чунки, ЖИКнинг 96-моддаси 1-қисмида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг иш ҳақидан давлат ижтимоий суғуртасига ажратмалар амалга оширилмаслиги назарда тутилган. Ушбу чеклов оқибатида маҳкумлар, гарчи улар жазони ўташ жойларида меҳнатга жалб этилган бўлсаларда, келгусида зарур иш стажига эга бўлиш ва давлат томонидан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишмоқда.

Тўртинчидан, ЖИКда ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар, агар улар жазони ўташлари давомида пенсия тайинланадиган ёшга етган ва бу борада зарурий иш стажига эга бўлган ҳолларда, уларга нисбатан пенсия тайинлаш ва пенсия тўловларини амалга ошириш тартиби ўз аксини топмаган.

Илгари пенсионер озодликдан маҳрум қилинган тақдирда, тайинланган пенсияни тўлаш озодликдан маҳрум қилинган давр учун тўхтатиб қўйилар эди.

Қайд этиш лозимки, қонунчиликка киритилган ўзгартиришларга кўра, манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар пенсияни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиши мумкинлиги, бундай шахсларга пенсия тайинлаш ва тўлаш манзил-колония жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тегишли пенсия суммаларини маҳкумларнинг шахсий ҳисобварақларига ўтказиш йўли билан амалга оширилиши белгиланди.

Бироқ, бундай ҳуқуққа бошқа турдаги жазони ижро этиш муассасаларида, яъни умумий, қаттиқ ва маҳсус тартибли колонияларда ҳамда

турмаларда озодликдан махрум этиш жазосини ўтаётган маҳкумлар эга эмас.

Фикримизча, маҳкумларни бундан ўзига хос тоифаларга бўлиш амалиётини бекор қилиш зарур. Шунда мамлакатимизнинг маҳкумларга тегишли амалдаги қонунчилиги тўлиқ равишда халқаро стандартларга мослашади.

Бешинчидан, халқаро стандартлар барча давлатларда маҳкумларга жазони ижро этиш жойларида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бир хил ҳуқуқ ва эркинликлар тизимини жорий этишни ёқлаб чиқади.

Мамлакатимизда маҳкумлар жазони ижро этиш муассасасида бўлган пайт жазони ўташ билан боғлиқ талабларни бажариши шарт. Мазкур талаблар режимнинг жазоловчи, тарбияловчи, огоҳлантирувчи функциясидан келиб чиқиб амалга оширилади. Режимнинг жазолаш, тарбиялаш, таъминлаш каби функциялари мавжуддир.

Афсуски, Ўзбекистон Респуликасида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларида ўрнатилган режим оғир ёки енлиллигидан келиб чиқиб, бир - бирдан кескин фарқ қиладиган даражада ўрнатилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, маҳкумларнинг янги Ўзбекистон учун мўлжалланган тараққиёт стратегиясида ўзига хос муносиб ўринлари борлигини чуқур англаб етган ҳолда давлат органларининг ушбу соҳадаги сиёсатини ташкил этишимиз талаб этилади.

Биз имкон даражасида маҳкум шахсларни жамиятимиз олдида турган стратегик вазифаларни амалга ошириш ишларига жалб қилишимиз, уларни жамиятга интеграция қилиниши амалиётини кучайтиришимиз шарт.

Бунда бизга маҳкумларнинг ахлоқий тузалишида ва тарбияланишида меҳнатнинг ролини алмаштириб ёки ўзгартириб бўлмаслигини таъминлаб берадиган тартиб қоидалар қўл келади.

Меҳнат маҳкумларнинг қайта тарбияланишидан катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, давлат органлари, нодавлат ташкилотлари, қонунга иттифоқ фуқаролар қуйидагиларни англаб етиши лозим:

-Энг аввало, меҳнат маҳкум шахсларни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш

жараёнидаги энг таъсирчан воситалардан бири ҳисобланиши ва ҳисобланиб қолишини чуқур хис этиш (ҳорижий амалиётда бунга катта эътибор берилади);

- маҳкум шахсларни меҳнатга жалб қилишда меҳнат тарбияси баъзи бир талабларга жавоб бериши талаб этилиши;

- маҳкум шахсларни меҳнатга жалб қилишда мажбурлаш усулидан бугунги кунда воз кечиш давр талаби эканлиги;

- маҳкумларни меҳнатга жалб этишда маҳкум шахсинг жинси, ёши, соғлиғининг ҳолати, меҳнат қобилияти ва иложи борича, мутахассислигини инобатга олиш лозимлиги;

- меҳнатдан жазо сифатида фойдаланиш маҳкум шахсларда меҳнатга нисбатан салбий муносабат, меҳнатдан бўйин товлаш, текинхўрлик, ишёқмаслик, эгоистлик каби сифатлар шаклланишини олдини олиш;

- муассаса ходимлари орасида маҳкум шахсларнинг меҳнат қилса ҳам қилмаса ҳам ўзгаришига ишонмайдиганларнинг мавжудлиги маҳкумлар орасида ҳам шундай фикрловчиларнинг вужудга келишига олиб келиши муқаррарлиги.

Келгусида ушбу муаммоларнинг бартараф этилиши, маҳкумлар ҳуқуқларини янада кенгайтиришга ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида назарда тутилган, ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисидаги конституциявий кафолатнинг амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида маҳкумларнинг жамиятимизга тезроқ ва самарали интеграция қилиниши ишларига яқиндан ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. Тошкент,

Адолат, 2015.

3. Жиноят-ижроия ҳуқуқи / Маърузалар курси. – Т., 2013.

4. Уголовно-исполнительное право. Учебник / под ред. А.И.Зубкова. – М.:
Издательство “НОРМА”, 2005.

5. Курганов С.И. Уголовно-исполнительное право. – М., 2004. .

6. Зауторова Э.В. Пенитенциарная педагогика. Курс лекций, Вологда:
ВИПЭ ФСИН России 2012.

7. Исмаилов И., Юлдашев М., Мирзараимов И. Жиноят-ижроия ҳуқуқи.
Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010.

8. Mahmudov R.M. Penitensiar psixologiya va pedagogika. Darslik, Т.,
O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti. 2018.